



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаганШаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 37 (9.075)

1998 йил

1 апрель, чоршанба

Сотувда эркин нархда



Хабарингиз борми?

«КОМПРЕССОР» ФИЛЬТРЛАРИ

Шахримиздаги «Компрессор» ҳиссасдорлик жамияти ишчи-хизматчилари бугун республикамиз учун зарур бўлган, импорт ўрнини боса оладиган, рақобатда чидамли янги маҳсулотлар яратиш йўлида ҳам изланмоқдалар.

Бундан 3 йил аввал корхонанинг конструкторлик бўлимида автотранспорт воситалари учун филтрлар яратиш ғояси туғилган эди. Бироқ маблаг етишмаслиги, хом ашёнинг йўқлиги бу ғояни амалга оширишни анча кечиктирди. Лекин барибир «Яхши ният — ярим давлат» деганларидек орадан бир неча йил ўтгач ана шу мақсадларини амалга оширдилар.

Замон талабига жавоб берадиган юксак унумли технология билан жиҳозланган янги цехда айни кунларда автотранспорт воситалари учун 10 хил турдаги филтрларнинг намуна нусхалари тахрибат тарикасида ишлаб чиқарила бошланди.

— Бу цехимизда ишлаб чиқариш тўла автоматлашган, — дейди бош конструктор Алек-



ишлаб чиқариш мумкин, йил охиригача эса унинг қуввати бир миллионга тақрибан етказиш имконияти бор. Келаси йилдан бошлаб имкониятларимизни янада кенгайтириб маҳсулот турини 40 тадан оширишни ният

маҳсулот импортнинг ўрнини босади ҳамда бирмунча арзонга тушади.

— Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, — дейди бош конструктор ўз сўзини давом эттириб — республикамизга бир йилда 1,5-2 миллионга филтр зарур бўлади. Ҳозирда буюртмачиларимиз етарли, улар билан шартномалар тузганмиз. Лекин сифат бош мезон бўлсагина, қўзлаган мақсадимизга эриша оламиз. Рақобатбардosh маҳсулотни эса хорижа экспорт қилиш ниятимиз ҳам бор. Бунинг учун барча зарур имкониятларни ишга соламиз.


Шарифа

ИЛЕСОВА.

СУРАТЛАРДА: янги маҳсулот — автотранспорт воситалари учун филтрлар ишлаб чиқариш жараёнидан лавҳалар.

Рашид Галиев

олган суратлар.



сандр Ваниский. — Уни компьютер бошқаради. Бир линияда ҳозир 600 мингта филтр

қилганмиз. Корхонада турли автотранспорт воситалари учун филтрлар ишлаб чиқарилаётган бу зарур

Республика байналмилал маданий марказида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари адаблари ўртасида мушоира бўлиб ўтди. Уш-

Энг афзал — тотувлик

АБАДИЙ ДУСТИК МУШОИРАСИ

бу анжуман Марказий Осиё давлатлари Ассамблеяси, Ўзбекистон Езучилар уюшмаси ҳамда Республика байналмилал маданий маркази томонидан уюштирилди.

Мушоирада қўшни республикалардан таширф буюрган таниқли шоир ва санъаткорларнинг Баҳор, Наврўз, Ватан, Мустақиллик тўғрисидаги

шеър ва қўшиқлари янгради. Шеър қўшиққа, ўланга ўланиб давра байрамона тус олди. Бу Марказий Осиё халқларининг бугунга келиб қадим ўтмишдаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга интилаётганларидан далolat беради.

Даврада ўқилган шеърлар бир-биридан гўзал ва мафтункор бўлганлиги боис хайрат аъзолари барча мушоира иштирокчиларига биринчи ўринни беришди. Мушоирадан сўнг давра кенгрок тус олди, турли халқлар тилларида шўх мусиқа садола-ри янгради.

Утказилган мушоира Марказий Осиё халқлари ўртасидаги дўстлик-гимизнинг яна бир ёрқин кўринишидир. Бу қадам мамлакатлар ўртасида ривожланаётган ҳамкорлик ришталарини абадий боғлаб туради.

Очил ҲАЗРАТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

30 март кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Кенгаш Ўзбекистон парламентининг ўн биринчи сессиясини 1998 йил 30 апрель кuni қақариш тўғрисида қарор қабул қилди.

Анъанага кўра сессияга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳ раҳбари этиб Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Кенгашининг қарори

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Биринчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 1998 йил 30 апрель кuni Тошкент шаҳрида қақарилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри,
1998 йил 30 март.

Олий Мажлис ўн биринчи сессиясининг муҳока-
масига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжал-
ланмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
2. Қишлоқ хўжалиги ширкати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
3. Фермер хўжалиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
4. Дехқон хўжалиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
5. Давлат ер кадастри тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
6. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
7. Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
9. Гаров тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрирда).
10. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрирда).
11. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрирда).
12. «Ўзбекистон Республикаси Халқ устаси» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисида.
14. Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколат доирасидаги бошқа масалаларни ҳам киритиш назарда тутилмоқда.

Тошкент шаҳар
ҳокимлигида

ЖАМҒАРМА БЎЛИМИ ҲИСОБОТИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг йиллик ҳисобот пленуми бўлиб ўтди. Унда бўлимининг бошқарув аъзолари, туман ҳокимлари ўринбосарлари, таъсисчилар, жамғарма қoшидаги корхоналар раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этишди.

Пленумни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарид Абдурахмонов очди. Жамғарма бўлими директори Раҳбар Раҳмонов 1997 йилда қилинган ишлар юзасидан ҳисобот берди ва Оила йилида режалаштирилган тадбирларга тўхталди. Сўнгра жамғарма тафтиш комиссияси ахбороти тинглан-ди.

Маърузалар юзасидан муҳокама чоғида шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Малика Зияева, Собир Раҳимов туманидаги Бегу-



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодий • Ижтимоий соҳа • Маданият

ний маҳалласи оқсоқоли Саиднаби Саидқаримов ва бошқалар сўзга чиқди-лар.

«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг раиси Гулнора Юлдашева анжуманга ҳулоса ясади.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтгани муносабати билан Раҳбар Раҳмоновга ўз вазифасидан озод этилди. Шу пайтга қадар ушбу жамғарма Тошкент шаҳар бўлимининг директори ўринбосари лавозимида ишлаб келган Гулнора Юнусқужаева «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг директори этиб сайланди.

Ҳамкорлик

«РАДИУС» — ТОШКЕНТДА

Шу кунларда табиий фалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича халқаро марказ директори, Токио уни-верситетининг профессори Кен Судо Тошкентда меҳмон бўлиб турибди.

У пойтахтимизга БМТнинг «Табиий фалокатларни қисқартириш бўйича халқаро декада» (IDNDR) лойиҳаси доирасида «Радиус» дастурини ҳаётга амалий жорий этиш-ни бошлаш мақсадида таширф буюрган.

Маълумки, ушбу лойиҳа шаҳарларнинг туманларида сейсмик фалокатларни қисқартириш бўйича, сейсмик хавф тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишни яхши-лаш мақсадида унга баҳо бериш юзаси-дан умумий тавсияларни ривожлантириш ва вайронагарчиликларнинг хавфини ка-

майтиришга қаратилган тавсияномалар билан таъминлашга йўналтирилган. Ушбу дастурни тўлалигича тадқиқ этишга жаҳондаги 9 та шаҳар қатори Тошкент шаҳри ҳам кирган. Ана шу муносабат билан шаҳар ҳокимининг қарорига кўра шаҳарда «Радиус» дастурининг Тошкент бошқарув қўмитаси ташкил этилган. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳмад Миржа-лилов ва профессор Кен Судо унинг ҳам-раисларидир.

Ушбу қўмита ўз ишини бошлаб юборди, ҳозирги пайтда ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Профессор Кен Судо билан газетанинг яқин сонларида бирида эълон қилинадиган сўхбатда ана шулар ҳақида батафсил маълумотга эга бўласиз.

Қурғазмалар

АСАРЛАРДА — ИНСОН ҚАЛБИ

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти-да ёш истеъдодли мўйлакам соҳиб Бахтиёр Обидов ва ҳайкалтарoш Улугбек Усмонов асарларининг намойиши бўлиб ўтди.

Санъат сирли олам. У мовий гўмбаз ости-даги она заминнинг сиз ва биз учун кўзга кўринмас бўлган сирларини ўз қаърига сингди-ра олади. Нозик чизгилар, турфа рангларда дунёни акс эттира олиш санъати эса рассом қалбнинг буюклигидан далolatдир. Ранглар-нинг бир-бирига уйғунлашувида киши руҳига чўккан соқилик, қалбдаги бор армонларнинг юзага қалқиб чиқиши аёқол намoён бўлган.

Бу асарларга назар солсангиз бир қарашда оддий табиат манзараси, киши сиймоси чи-зилгандек туюлади. Лекин унда умрининг ўти-ши, яшашдек улғунгунликнинг ҳар кишига ҳар хил насиб этиши, турмуш сўқмоқлари, бахтли ва бахтсиз дамларда синалган инсон ирода-сининг рамзи акс эттирилган.

«Сой», «Қутлш», «Оналик», «Интизорлик» асарларида эса ҳаётнинг асосий қисмини ана шу турғунлар банд этган аялнинг кoқсалик мўра-лаб эшик қоқётган бир пайти ифодаланган.

Бу ҳисни англаган ҳар бир юракда унсиз бир тур чертиладики, асар ўзингиздан кейин-ги эртанги кунларга нелар қолаётганлиги ҳа-қида уйлашга даъват этади. Бундан ташқари ёш ижодкорларнинг ўзи туғилган Ўргутнинг бе-такдорлиги, Ҳоразмининг қўналиги ажиб ман-зараларда акс эттирилганлигининг гувоҳи бў-ласиз.

Маъмура РЎЗИЕВА.

Ўзбекистон еттинчи миллий чемпионати учинчи тур мусоба-калари қизиқарли бўлди. Тоше-кентнинг «Пахтакор» жамоаси бу гал сафарда ўйнади. Тошкентлик-лар Косонсойда маҳаллий «Ко-сонсой» футбол жамоасига қар-ши майдонга тушдилар.

Шуни айтиш керакки, мана у

марта бўлсада рақиб дарвозаси-га тўп кирита олганлари йўқ. Аза-мат Абдураимов ҳужумкор ярим ҳимоячи сифатида ҳаракат қилиб иккита тўп киритди. Яна бир тўп муаллифи ҳимоячи Николай Ша-риповдир. Демак энди тўп уриш навати нийҳат ҳужумчиларга кел-ганлигини эслатиб ўтмоқ жоиз.

Футбол

«ПАХТАКОР»НИНГ САФАРДАГИ ҒАЛАБАСИ

галдан буён «Пахтакор» команда-си биринчи бўлиб ўз дарвозаси-дан тўп ўтказиб юбормoқда. Ко-сонсойда ҳам худди шундай ҳол юз берди. Ана шундан кейин тоше-кентликлар уйинда жонланиш яса-шга ҳаракат қилиб, бутун май-дон бўйлаб ҳужумга ўтдилар. Бун-да команданинг моҳир уйинчиси Миржалол Қосимовнинг саъй-ҳа-ракатларини алоҳида таъкидлаш керак. Тошкентликларнинг рақиб-лар дарвозасига киритган тўпла-рининг тенг ярми Миржалолнинг ҳисобига тўғри келди. Ҳозирча тошкентлик ҳужумчилар бирор

Косонсойдаги ҳисоб пахтакорчи-лар фойдасига 2:1 бўлди. Шу турнирнинг қолган ўйинла-рида қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Зарафшон» — «Навба-ҳор» — 1:4; «Металлург» — МХСК — 3:1; «Хоразм» — «Насаф» — 2:2; «Сурхон» — «Дўстлик» — 2:1; «Сўғдиёна» — «Трактор» — 3:0; «Бухоро» — «Нефчи» — 2:0; «Те-мирийўлчи» — «Андижон» — 0:6.

Навбатдаги туртинчи тур ўйи-лари 4 ва 5 апрель кунлари бўлиб ўтади. «Пахтакор» жамоаси 4 ап-рель кuni ўз майдонда «Андижон» футболчиларини қабул қилади.

ОБУНА — ЙИЛ БУЙИ

Маълумки, ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар Сиз «Тошкент оқшомини» эзили-шингиз ва уни шундан кейинги ойдан бошлаб оли-шингиз мумкин. Демак «Оқ-шом»ни май ойидан ва шу буйи йил давомида олиш иштиққид бўлсангиз, Сиз унга обунани 10 апрелга қад-дар расмийлаштиришингиз керак. Яна шуни ҳам эсла-тиб ўтмоқчимизки, «Тоше-кент оқшомини» газетаси чакана савдога жуда ҳам кeчкeланган миқдорда чиқарилади. Унинг обуна нархлари қуйида-гича:

Абонент қутисига
• 1 ойга — 104 сўм
• 3 ойга — 312 сўм
Уй манзилига
• 1 ойга — 156 сўм
• 3 ойга — 468 сўм
Нашир индекси — 209.



ЧИРОҚЛАРГА ЯНГИ УМР

Тадбиркорлик

Шахримиздаги очик турдаги «Алгоритм» хиссадорлик жамияти мутахассислари электр ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Бу ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотнинг афзаллиги шундан иборатки, у корхоналардаги ишдан чиққан электр лампаларини қайта таъмирлаб, уларнинг яна 10 йил қуймасдан ишлаши кафолатини беради.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, агарда айни кунларда шахримиздаги корхоналарда 45 миллион сўмлик 250 мингта ана шундай ярқисиз лампалар борлигини ҳисобга олсак, чиқарилаётган маҳсулотнинг харидоригир ва зарурлиги ўз-ўзидан

қўриниб турибди. Бу ярқисиз лампаларда газли симоб моддаси борлиги учун ҳам уларни ҳандақларга қўйиб ташлаш зарур бўлади. Ана шунинг учун эса 15 миллион сўм харажат сарфлаш лозим бўлар экан. Уларни қайта таъмирлаш эса ундан бирмунча арзонга тушади.

Шарофат БАХРОМОВА. СУРАТЛАРДА: монтажчи Муҳиба Абдусаломова (ўнгда) ҳар бир ишни пишиқ-пухта бажаришга одатланган, Альфия Хонова (чапда) эса маҳсулот сифатига алоҳида аҳамият беради.

Тўлқин Каримов олган суратлар.



Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасининг туман меҳнат биржалари фаоллари барча маҳаллалар билан баҳамжиҳат иш олиб боришмоқда. Жумладан, Юнусобод туманидаги ишлар фикримиз далилидир. Бу ҳақда туман биржаси раҳбари Мактуба Вахобова қуйидагиларни гапириб берди:

— Оила йили муносабати билан туманимиз маҳаллаларида бир неча учрашувлар ва кўрик-танловлар бўлиб ўтди. Жумладан, Фирдавсий маҳалласида «Келин — оила кўрки», «Қашқар» маҳалласида туман «Маънавият ва маърифат» маркази вакиллари билан маҳалла фуқаролари билан учрашуви, «Отчолар-1» маҳалласида «Оила — муқаддас даргоҳ» давра суҳбати бўлиб, унга олимлар, шоирлар ва фуқаролар жалб этилди.

Файратий маҳалласида 100 дан ортиқ миллат вакиллари йиғилди. Унинг 3700

Бандлик

МАҲАЛЛАЛАР БИЛАН БАҲАМЖИҲАТ

га яқин аҳолиси бор. Маҳалла аҳли бир-бирларидан мурувватларини аямаядилар. Айниқса, хотин-қизлар бўш вақтларини унумли ўтказадилар. Билимни аёллар ёш қизларга кўрпа-кўрпача, кашта тикишни, одобни, ҳурмат ва эҳтиромни, оила тутишни, рўзгор юритишни ўргатишади. Маҳалла кўчалари серфайз, озода. Теварак-атрофга меваги дарахтлар, турфа гуллар экилган. Ҳадемай улар қийғос гулга кириб, атрофга янада чирой бахш этади.

Маҳалла фаоллари Президентимизнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган фармонларини амалга оширишга ва маҳалладаги кам таъминланган, кўп болали хонадонларга доимо ғамхўрлик қиладилар, етим-есирлар, ногиронлар, ёлғиз қарияларга эътибор берадилар. Маҳалладаги турли миллат вакиллари билан аҳил ва иноқ яшаш муҳити яратилган. Шу кунларда улар Наврўз байрамига катта тайёргарлик қўришмоқда.

Маҳалла фаоллари биржа инспекторлари билан ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиб туришади, нафақа ва болалар пулини олишга ёрдам қилишади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори ва 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби бўйича Ушбу қўрсатма асосида иш олиб борилаётир.

Биржамиз тумандаги барча маҳаллалар билан ҳамкорликда ишсиз юрганларни иш билан таъминлашга, қасбини ўзгартиришни хоҳловчиларга қайта ўқиш учун имкониятлар яратяпти. Маҳаллаларда очилаётган хусусий новвойхона, сартарошхона, тикувчилик цехларига ишсизлар жалб этилмоқда. Чунки иш билан бандликнинг ўзи ҳам оиланинг мустаҳкам бўлишига асосий сабабдир.

Бугунги кунга келиб туманимизда 100 дан зиёд оилавий корхоналар мавжуд. Уларнинг бир қисми хунармандчилик билан шуғуллансалар, айримлари маиший хизмат ва бошқа ишлар билан машғулдилар.

«Усто-шоғирд» услуби асосидаги ишларимиз оилаларда воёга етаётган ўғил-қизларимизнинг хунари бўлишларига ва келажақда ундан унумли фойдаланишларига замин яратмоқда. Айниқса ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бир неча касб-хунар эгаси бўлганларнинг ошиғи олчи бўлиши кўз ўнгимизда намоён бўлаётир.

Гулзода МАМБЕТОВА.

Президентимизнинг 25 февралда Вазирлар Маҳкамасида қилган маърузаларида фонд бозорини ривожлантириш, аҳолининг эркин пул маблағларини ишлаб чиқаришга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Фонд бозорини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қошидаги Қимматли қўғозлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уни назорат қилиш бўйича Марказ ва унинг ҳудудий бўлиmlарига юклатилган. Бизнинг Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ушбу қўмита қошидаги қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Тошкент шаҳар бўлимининг бошлиғи Бахтиёр Ражабов ҳамда бўлим бошлиғи ўринбосари, қонунчиликни қўллаш шўъбасининг мудири Файзулла Тўлаганов билан суҳбатимиз ҳам ана шу долзарб масалалар ҳусусида бўлди.

— Бахтиёр Барноевич, бундан атиги 3-4 йил олдин мамлакатимизда акция, акциядорлик жамияти, қимматли қўғозлар, фонд биржаси каби ибораларнинг моҳиятини тушунадиган, уларни қўллайдиган кишилар кам топиладди. Бугунги кунда бу тушунчалар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди. Айтингчи, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва уни назорат қилиш бўлими олдидан турган асосий вазифалар нималардан иборат?

— Мамлакатимизда акционерлик жамиятларининг ташкил этилиши ва давлат корхоналарининг акционерлик жамиятларига айлантирилиб, улар акцияларининг муомалага чиқарилиши муносабати билан қимматли қўғозлар бозори аста-секин шакллана бошлади. Бинобарин, қимматли қўғозларни ҳисоблаш ва қайд этиш, уларнинг давлат рўйхатини юритиш, бозорда унинг қатнашчилари учун ягона иш юритиш қоидаларини ишлаб чиқиш, фаолиятларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш эҳтиёжи туғилди. Шу сабабдан Президентимизнинг 1996 йил 25 мартдаги Фармони билан Молия вазирлиги қошидаги Қимматли қўғозлар бўйича давлат комиссияси негизида Давлат мулки қўмитаси қошида қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва уни назорат қилиш маркази ва унинг бўлиmlари ташкил этилди.

Қимматли қўғозлар бозорининг фаолият қўрсатиши, ривожланиши, уни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат қимматли қўғозлар рўйхатини юритиш, республика қимматли қўғозлар тўғрисидаги қонунларига барча бозор қатнашчилари томонидан риоя этилиши таъминлаш ва уни назорат қилиш, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жамоатчиликка қимматли қўғозлар бозори ҳолати ва унинг қатнашчилари тўғрисида кенг миқёсдаги маълумотлар бериш унинг асосий вазифалари доирасига киради.

Табиийки, бўлим ҳам ўз ишини юқорида тилга олинган вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширади. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, бўлим томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар мулкнинг шакли ва кимга тегишлилигидан қатъи назар Тошкент шаҳрида ўз операцияларини амалга ошираётган қимматли қўғозлар бозорининг барча қат-

нашчилари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Бўлимибиз тўртта асосий йўналиш бўйича фаолият қўрсатади. Тошкент шаҳридаги хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлатга тегишли акцияларини сотиш ва ундан тушган маблағни ҳисоб-китоб қилиш; Тошкент шаҳри бўйича

ни. ўз вақтида бермаганлиги сабабли қўрсатмалар берилди, шунингдек, акциялар чиқариш тартиби бузилганлиги учун 5,25 миллион сўм миқдорида жарима чоралари белгиланди.

Текширувлар натижасида шу нарса ойдинлашдики, дивидендларни нотўғри ҳисоблаш, акционерлик жамиятлари бошқарув идоралари аъзоларининг улар ишига бефарқ муносабатда бўлиши, кузатув кенгаши йиғилишлари ва акционерлар умумий мажлисини юритиш ва улар баённомаларини тузишнинг белгиланган тартибининг бузилиши, акцияларни муомалага чиқариш амалдаги тартибининг бузилиши ва бошқалар кўп учрайдиган тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик ҳолатлари қаторига киради.

— Файзулла Абдулаев, сиз бир вақтнинг ўзида қонунчиликни қўллаш шўъбасини

Қимматли қўғозлар

ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

ҳам бошқарасиз. Айтингчи, қимматли қўғозлар бозори қатнашчилари, жумладан акционерлик жамиятларининг фаолияти қандай ҳужжатлар бўйича мувофиқлаштирилади?

— Қимматли қўғозлар бозори фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари: Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, турли нозомлар ва йўриқномалар (улар 100 га яқин) мувофиқлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлар», «Қимматли қўғозлар ва фонд биржаси», «Қимматли қўғозлар операциялари бўйича солиқлар тўғрисида», «Акционерлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қўғозлар бозорининг фаолият қўрсатиш механизми тўғрисида» қонунлари энг муҳимлардан саналади. Охириги икки қонун эса нафақат акционерлик жамиятлари раҳбарлари, балки акциядорлар учун ҳам энг зарур ва доимий бўлиб қолмоғи керак.

— Акционерлик жамиятлари раҳбарлари ва акциядорлар эътиборини биринчи навбатда нималарга қаратишни истардигиз?

— Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг қимматли қўғозлар бозори бўйича қонунлари ва меъёрий ҳужжатларида акционерлик жамиятлари 1 июлга қадар акциядорлар умумий ҳисобот мажлисини ўтказиш кўзда тутилган. Мажлисни эса айрим акционерлик жамиятларида бўлгани каби бошқарув эмас, балки кузатув кенгаши тайёрлайди ва ўтказиши. Мажлисида, албатта аудиторлик текшируви ўтказилган бўлиши шарт. Ҳисобот йилдан сўнг 1 майгача акционерлик жамияти ўзининг йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисоби ва ҳоказоларни Республикаимизнинг «Акционерлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 108-моддасига мувофиқ чоп этиши, 1 июлга қадар эса рўйхатдан ўтказувчи идора (шу йилдан бошлаб Низом жамгармаси 100 миллион сўмгача бўлган акционерлик жа-

миятлари ўз ҳисоботларини Марказнинг ҳудудий бошқармасига топширадилар)га йиллик ҳисоботни беришлари лозим.

Йилнинг ҳар бир чораги тугашида 25 кунгача рўйхатдан ўтказувчи идорага «Қимматли қўғозлар чиқариш натижалари тўғрисида ҳисобот» ва 10 кунгача акциядорлар рўйхатидан кўчирмалар топширилади. Бундан ташқари ҳар йили 31 мартга қадар улар Марказнинг ҳудудий бўлимига рўйхатга оладиган қарталарни топширишлари керак. Ушбу ҳаракатларни акционерлик жамиятлари мунтазам равишда ҳеч қандай эслатиш ёки қўрсатмаларсиз амалга оширишлари керак.

Албатта амалдаги қонунларнинг барча талабларини битта суҳбат давомида айтиб ўтиш қийин. Шунинг таъкидлаш жоизки, ушбу барча талаблар авваломбор акциядорлар (инвесторлар) манфаатларини ўйлаган ҳолда, қимматли қўғозлар бозорининг яхши фаолият қўрсатишини таъминлаш мақсадларини кўзлаб қонун ҳужжатларига қўшилгандир. Бу борада акционерлик жамиятларининг раҳбарлари ўз малакаларини кескин оширишлари жоиздир.

— Бўлим томонидан амалдаги қонунлар талабларини уларга етказиш, бу борадаги биланларини ошириш юзасидан қандай ишлар қилинмоқда?

— Шу мақсадларда бўлимибиз томонидан кенг қўламдаги тушунириш ишлари амалга оширилмоқда. Чунончи, бўлимда қимматли қўғозлар бозори бўйича қонунларнинг ҳамма йўналишлари бўйича барча хоҳловчилар учун доимий маслаҳатлар ташкил қилинган, шаҳарда қимматли қўғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш бўйича иккита марказ (Тошкент Давлат иқтисодиёти университети ва Тошкент молия институтиди) мунтазам фаолият қўрсатмоқда, шунингдек, давлат ва жамият қурилиши академияси қошида ТАСИС дастурининг бозор қўғозларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда махсус курслари ҳам ташкил этилган ва унда акционерлик жамиятларининг раҳбарлари таълим оладилар. Йил давомида пойтахтнинг барча туманларида қимматли қўғозлар бозори қонунлари ва акционерлик жамиятларида бухгалтерлик ҳисоби бўйича икки марта семинарлар ташкил этилди. Уларга ушбу туманда жойлашган барча акционерлик жамиятларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари тақдир қилинди. Афсуски, 30 фоиздан 50 фоизгача акционерлик жамиятларининг раҳбарлари ушбу семинарларни шунчаки инкор этдилар ва натижада қонунларнинг сезиларли даражада бузилиши қайд этилди. Бундай раҳбарлар ўзларининг сусткашликлари билан акционерлик жамиятлари молиявий ҳолатига катта зарар етказиб қўйишларини англаб етмаётдилар. Ваҳоланки, қонунларнинг бир марта бузилганлиги учун жарима чоралари энг кам иш ҳақининг 70 дан 800 гача баробар миқдорини ташкил этиши мумкин.

Бундай ҳолларга йўл қўймаслик мақсадида бўлим ходимлари оммавий ахборот воситалари орқали бўлим, қимматли қўғозлар бозори фаолиятининг турли томонлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қимматли қўғозлар қонунлари бўйича тушунтиришлар билан чиқмоқдалар.

Дишод ИСРОИЛОВ
суҳбатлашди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилди. Унинг вазифалари ҳақида қўмита раиси Мавлуда Ғофурова билан суҳбатлашдик.

— Шаҳарчамизда эллик мингдан ортиқ аҳоли иқтисомат қилади. Шулардан етти мингга яқинини талабалар ташкил этади. Бу талабаларнинг аксарият қисми қизлардан иборат, — дейди Мавлуда Ғофурова. — Улар айрим масалалар юзасидан оналари ёки ўзларидан катта оналаридан маслаҳат олишларига тўғри келади. Бироқ бу қизлар турли вилоятлардан келишиб би-

Жамоатчилик ташкилотларида

ҚИЗЛАР ДАВРАСИ

лим олишаётганлиги сабабли ҳар доим ҳам она, оналари билан мулоқотда бўлишнинг иложи бўлмайди. Ва ўз-ўзидан кўнглидаги гапини атрофдаги қизларга, дўғоналарига айтишади. Теварак-атрофдаги қизлар ҳар доим ҳам тўғри маслаҳат беравериб қўймайди.

Қўмита ана шундай ҳолатлар рўй беришининг олдини олиш мақсадида ўз фаолиятини бошлади.

Шаҳарчада турли ўқув юрталарининг ўттиз иккита ётоқхонаси жойлашган бўлиб, шуларнинг етти тасини оилавий ётоқхоналар ташкил этади. Ётоқхоналардаги хотин-қизлар билан ишлаш мақсадида қўмита ўз дастурини ишлаб чиқди. Бу дастур «Оила» дастури асосида тузилган бўлиб, унда саломатлик, хотин-қизлар ҳордиғини тўғри ташкил этиш, ижтимоий муҳофаза сингари йўналишлар ўз аксини топади.

Оилавий ётоқхоналарда болалар воёга етаётганлиги ҳисобга олиниб уларнинг соғлом бўлиб ўсишини таъминлаш мақсадида бу ерда озодалик ва саранжом-сарилатликни доимо бир хилда, ушлаб туриш лозим, деган қарорга келиниб, озодалик кўрик-танловлари эълон қилинди. Ҳафтанинг ҳар душанба кунда хоналарнинг тозаллиги назорат қилиниб натижаси ётоқхоналарнинг биринчи қаватида барчага сабоқ тарзида қайд этиб бориладиган бўлди. Ўйлашимизки, ишнинг шу йўлида ташкил этилиши атроф-муҳитнинг мусаммо бўлишига, турли қўғозли касалликларнинг олди олинишига ва хотин-қизларимизнинг янада ораста бўлишларига туртки бўлади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА
ёзиб олди.

Хабарингиз борми?

ТОШКЕНТ «МАДОННА»СИ

Шаҳримиздаги «Тошкент чинни заводи» хиссадорлик жамияти чиннисозлари нафақат маҳсулот турларини қўлайтириш, балки уларнинг сифати ва жиловини кўтариш йўлида сайёҳаракат қилишмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган ойларида мутахассисларимизнинг изланишлари ўз самарасини берди, — дейди хиссадорлик жамияти раиси Файзулла Раҳматуллаев. — Баҳор байрамларига атаб тайёрланган 20 хил турдаги маҳсулотларимиз шаҳримиз дўконларида харидорлар томонидан севиб харид қилинмоқда. Изланувчан чиннисозларимиз аҳолининг сифатли ва чиройли маҳсулотларга талаби кўндал-кўнда ошиб бораётганини яхши хис этган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

Корхонанинг мамлакатимиз аҳолисини четдан келтирилаётган маҳсулотлар ўрнини боса оладиган чинни термалари яратиш йўлидаги иштилоқларини таъкидлаш ўринлидир. Тошкент чиннисозлари Оила йилида қўнгана хонадонларимизни немис технологияси асосида ишлаб чиқариладиган «Мадонна» номи машҳур термаларни тайёрлашни йўлга қўйиш ниятидир. Бу маҳсулотни тайёрлаш учун ҳам аш ҳақда технология четдан келтирилади. Ана шу мақсадда Германиянинг «Кероплан» фирмаси билан ҳамкорлик қилиш учун шартнома тузилди. Унинг лойиҳаси 2 миллион немис маркасини ташкил этади.

Шоҳида БОБОЕВА.

«Ганихўжа шашликчи янги гўшдан барра кабоб пишираётганимиш», деган гап бутун шаҳарга яшин тезлигида тарқалиб кетди. Бошқа кабобфуршлар кўра ёнида пашша кўриб ўтирганда Ганихўжанинг ошхонаси одамга тўлиб кетди. Шўрликнинг қўли-қўлига тегайди. Тўртта ёрдамчи на сиклашга улгуради, на пиширишга. Шундай «пулоқар» кўнларнинг бирида ярим кечаси кўш-табака дарвоза қаттиқ тақиллаб қолди. Кун бўйи тиним билмай, тинкаси қуриб, кечаси чарчоқ зўридан у ёқ-бу ёққа ағдарила-ағдарила кўзи энди-гина илинган Хўжа эмаклагандай бўлиб зўрға дарвозага етиб олди. Эшикни очса... Шов шаҳри баковулларининг сардори, «пири» кабоблаз Абдузуннун бошчилигида «кооператив ошхонаси» бор барча ошпазлар хўмрайиб туришибди.

— Э, ассалому алайкум, келинлар, келинлар, хуш келибсизлар, қани, ичкарига...

— Айтмасангм кираверамиз, ялтоқланма, — унинг гапини бўлиб ташлади Шамсиддин сомсапоз.

Тўнги меҳмонларнинг авзойи бузуқ, қарашлари қаҳрли. Улар уй эгасининг ортидан бориб айвондаги хонтахта атрофида чордона кўрдилар.

— Энди укам, гап мундоқ, — гап бошлади дуойи-фотиҳадан кейин Мансур лағмончи. — Сен бемаслаҳат бир ёмон ишни бошлаб қўйибсан. Устоз Абдузуннун сардор сенга бир-икки оғиз насихат қилгани ташриф буюрдилар.

«Пири кабоблаз» бир-икки томоқ қириб олган

ТАРИХИ КАБОБ

(Яқин ўтмиш кўнларидан лавҳа)

дарсини бошлади:

— Эшитишимизча янги сўйилган кўйнинг гўш-тидан кабоб пишираётган экансан. Шу гап ростми?

Ганихўжанинг энсаси қотиб кетди:

— Нима, ҳаром ўлган туянинг гўштидан ясайми?

— Биздан хафа бўлма бола, бу гапнинг тагида чуқур маъно бор, — гапини давом эттирди «устоз», — мана сен барра гўшдан кабоб пишириб сотдинг дейлик. Агар у совлик ёки кўчор бўлса, болаларини уволдан кўркмайсанми? Етим қилиб қўйаверасанми жониворларни? Ёки дейлик, сўйилган ҳайвон ёш кўзи бўлса, хўш, норасидага раҳминг келмайдими?

Кейин Хусан жўрабошига ўғирилди:

— Хусанбой, сиз ҳам бир-икки йил дўхтирларнинг ўқишида ўқигансиз, бугини ўзингиз тушунтиринг бунга...

— Пиримиз тўғри айтдилар, иним. Бундан ташқари одамларнинг соғлигини ўйлашга ҳам тўғри келади. Сиз бозордан кўйни олиб келиб шашлик қиворишингизга бизнинг қаршичилигимиз йўқ. Лекин у жонивор дўхтирларнинг кўригидан ўтмаган бўлса-чи? Яйловда гриппи, гепатити, дизентериями ёки гипертониями деган касалларга йўқлиққан бўлса-чи? Ахир бунга еган қанча одамлар касал бўп қолди деган гап-ку! Иккинчи томондан бунинг экологик аҳамияти ҳам бор. Дунёда ҳар қандай жонивор табиий-экологик мувозанатни сақлаб туради. Агар сиз сўйворган мол ёки эчки ўша мувозанатни сақлаб турган асосий нўсха бўлса-чи? Бу нарса ер юзидagi ҳаётни тўхтатиб, катта фожоага олиб келиши мумкин, тушундингизми?

— Энди ишни бундай қиламиз, — гапга қўшилди Мансур лағмончи. — Мен Ганихўжани бир-иккита боқчалар, мактаблар, касалхоналарнинг омондорлари билан таништириб қўяман. Дўхтирлар текширган, муҳр босиб, рухсат берган гўшларни ўшалардан олиб, кабобини пишираверади. Музлаган гўшнинг этилишиям майин бўлади. Мижозлар ҳам хурсанд, ҳеч ким касал ҳам бўлмади. Маъқулими?

Ганихўжа булардан осонликча қўтилишнинг иложи йўқлигини сезиб, кўнлига мажбур бўлди.

— Маъқул, акалар, маъқул. Кечиринглар, тавба қилдим, кўзим очилди. Энди фақат «снабжение»нинг гўштидан шашлик сиклайман. Қасамлар бўлсинки...

Иш пишиб, бир тўхтамга келинган, ҳаммалари Ганихўжа ҳозиргина сўйиб, қозонга тиккан қора кўчорнинг гўшт-ёғини ошқозонга жойлаштириб, саранжомлаган, пишиллаб-пишиллаб ўринларидан туриб, мезбон билан ўлишиб, кўчқлашиб хайрлашиб чиқиб кетишди.

— Нима гап, дадаси? Нега булар ярим кечда ўн кишилашиб келиб гўштхўрлик қилиб кетишди? — боядан бери хавотирда уйдан чиқолмай ўтирган хотин сўради.

— Мени бутун дунё кўй-қўзиларини муҳофаза қилиш тиббий экологик жамиятга аъзоликка қабул қилгани келишибди. «Жамиятнинг раиси бўласан» деб турволишди.

— Вой ўлай, шунақасиям борақанда-а? Ёзил-дизми?

— Ёзилдим. Ёзилмасам ўчириб қўйишарди!!!

Эртасига шаҳарда янги гап:

— Ганихўжанинг пули кўпайиб қолибди шекилли, музлаган, «несвежий» гўшдан шашлик қилляпти. Кечагина тулпа-тузук бола эди-я!

— Оббо, охири бу болаям аинибдида-а? Юринг бўлмаса, Абдузуннунг кооператива. Уям музлаган гўшт сиклайди-ю; лекин жазлари йирик-йирик. Инсофироғиям энди фақат ўша одам.

— Мансур билан Хусаннинг ошхонасига бора қолайлик. Сув бўйида, жуда баҳава жойда ўзим.

— Юринг кетдик. Қайси бирига оёқ тортса, қириб кетаверамиз.

Орадан бир ой ҳам ўтмасдан Ганихўжа касод бўлган кабобхонасини ёпиб, «Чорсу» бозорига туҳум сотгани тушиб кетди. Айтинг-айтинг...

Алишер САБДУЛЛАЕВ.

ҚАЙНОВИ ИЧИДА...

«Тепакан» деган ҳажвий шеър ёзган эдим. Ҳадеганда босилавермади. Сабабини билмоқ ис-таб муҳарриратга борсам, не кўз билан кўрайки, бўлим бошлиғи тепакан экан.

(Шоирнинг шикоятидан).

• Гийбатчи шу қадар вайсаки эдики, ҳатто ўлганидан кейин жағини тангиб қўйишса-да, икки соатдан мўлроқ тинмай тақирлаб турди.

(Хаваскор мухбирнинг «ҳажвия»сидан).

(Бозор радиоэули эълони).

• «Мудир уч кундан бери курсида хомуш ўтирибди. Маълум бўлдики, раҳбари ариза ёзиб ишдан кетишни буюрган экан. Бундай одамларга ич-ичиндан ачинасан ва хулосага келасан: му-дирликдан бошқа ишни эпполмаса, курсини бў-шатиш нақадар қийин-да...»

(Нўноқ мухбир фелъетонидан).

Хусанбой ТОЖИМАТОВ.

Кулги инсоннинг энг яхши фа-зилатларидан бири деб эътироф этилади. Чин юракдан хандон отиб қулиш эса минг дардга да-во дейишади. Умрини одамлар-ни шод этишга бағишлаган ҳам-шаҳарларимизга сарлавҳадаги саволни бердик.

Обид ЮНУСОВ,

Ўзбекистон халқ артисти:

— Э, иккалови ҳам қийин! «Парвона» томошасини кўрганмисиз? Утқурий бўлиб сахнага чиққанимда зал тўла одамларни кўриб юраким орқага тортиб кетган. Шунча одамнинг эртага яна театрга келиши менинг ўз ролимни нечоғлиқ қийил қилиб ўйнашимга боғлиқ! Жон-ҳажим билан ролимни ижро этдим. Ўзимни унутиб, Утқурий бўлиб кетдим. Эвазига одамларнинг самимий кулгисига сазовор бўлдим.

Йўқ, оғайни, қулиш ҳам, қулдириш ҳам осон эмас... Бачкана қилиқларинг, бепаровоз гапларинг билан бир-икки марта томошабинни қулдираман. Кейин ўзинг эътибордан қолсан. Ҳам халқнинг муҳаб-батига сазовор бўлиш, ҳам уларни чин дилдан қулдириш осон эмас экан. Ҳарқалай яшаган умримдан розиман. Кўрган та-ниш-билишлар «Ана Утқурий» деб юзла-рига кулги ёйиладди.

Ўзингиз бир маза қилиб қулганмисиз? Йўқ дейсизми? Унда қулиб кўринг, кейин бизни-нг машаққатимизни тушунасиз.

Шароф БОШБЕКОВ,
драматург, Давлат мукофоти
савриндори:

— Бунақа саволни бериш осон. Гапни чў-зишни ёмон қураман. Мана комедия жанри-да ишлаётганимизга ҳам анча бўлди. Кул-

Эсимни танибманки одамларга жиндек бўл-са ҳам хурсандчилик улашсам деб интила-ман. Радиожурнализмнинг таърифни қил-май қўяломай. Ҳаётий тажрибаларимдан шу-ни англадимки, қулгини ҳам ёшлиқдан, бо-налиқдан сингдириб, тарбиялаб бориш ке-рак экан. Шу мақсадда ойнаи жаҳонда «Ха-ҳа-ҳа» дастурини бошладик. «Ха-ҳа-ҳа» бу

1 апрель оқшати

КУЛИШ ОСОНИ, КУЛДИРИШМИ?

дириш жуда қийин экан... Жудаям. «Темир хотин»даги қулгу бошқа. «Масҳарабоз»даги қулги бошқа... Белни шу йўлда боғладимки энди қайтиш йўқ: қулишми-қулиш, қулдириш-ми-қулдириш. Биз ҳам ҳалол қулдирайлик, томошабин ҳам ҳалол кулсин...

Миршохид Мирзиқоил, Наби Раҳимов, Соиб Хўжаев, Ҳамза Умаров, Раҳим Пирму-хамедов сингари табассум улашувчиларни-нг йўқлиги билинпти-да. Жойинг жаннатда бўлурларнинг номининг ўзи ширин бир кул-ги эди-я...

Тўлан ҚЎЗИБОВЕВ,
ҳажвчи адиб, «Табассум»
радиожурналининг муҳаррири:


— Қулгининг қадрини биздан сўранг.

«Ханда, ҳажв, ҳазил», дегани.

Яна бир гап. Қулгини ҳам, қулдиришни ҳам қадрига етиш керак. Шундай бир кун-да, яъни қулги кунда Абдулхай Маҳсумла-римиз, Зайнобиддин Юсуповларимиз, Рус-там қизиқчиларимиз кўпайсин деб томо-шабинларнинг қулгуси шундоққина лабига келиб туради.

Энди оғайнилар, қулгусиз яшаш қийин. Шоир ёзганидек: «Бир табассум шунча қийинми, сўзларимда йўқми жилмайиш».

Билганга қулиш ҳам осон, қулдириш ҳам. Ошналар, қўйинг бошқа гапни, халқимиз қулгисевар халқ, келинг, мириқиб ку-лайлик...



Қулинг дўстлар, умрингиз
узок бўлади.

Юсуфжон қизиқ ШАКАРЖОНОВ.



УБАЙДУЛЛА. Азиз дўстлар! Телевизион руқналарга назар ташлаб «Сўз ҳақида сўз» юритсак. Абулқосим ака, гапни сиз бошланг, ахир, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи»-ку!

АБУЛҚОСИМ. Сизлар билан «Юзма-юз» бўлиш менинг ҳам орзуим эди. Чунки, ҳар бирингиз «Ҳа-зил» ва «Мугтойиба»га ўсибди.

ИСКАНДАР. Яқинда Жалолиддин «Ханда дўкони» очди, лекин, дў-конга айрим одамларнинггина кири-тиб, «Ҳамма кўриши шарт... эмас» деяпти.

ЖАЛОЛИДДИН. Менинг дўко-нимда нима қиласиз? «Моҳирлар ва эпчиллар оламида», «Биржа ва банк хабарлари» билан таниш-майсизми?

УБАЙДУЛЛА. «Мунажжим ба-шорати» билан иқтисод масаласи биринчи ўринни олган, «Солиқ ҳа-қида хабарлар», «Аср муаммо-си»ни ҳал қила бошлади.

ИСКАНДАР. Абулқосим акамни-нг келганлари яхши бўлди. «Дона бобо даврасида» ё «Ривоят» эшитамиз ёки «Оқшом эртакла-ри»ни тинглаймиз.

АБУЛҚОСИМ. Майли, «Эрта-лар-яхшиликка етаклар!» Бир эр-так айтиб, шу эртак олға сурган жавобни «Ўйла! Изла! Топ!» дей-ман.

ЖАЛОЛИДДИН. Бу жавобни то-

пиш учун «Глобус»га қараб, «На-фосат гулшани»га «Авторейд» қи-лиш кифоя.

УБАЙДУЛЛА. «Авторейд» қилгу-нингизча бир бола эстрада кўшиғи-ни «Мувозанат» сақлай олмай айтаётган эди, унинг қимлигини Абулқосим акамдан сўрасам, «Ҳа-зал-хон ёшлигим» дедилар.

РУҚНАПАР ПАЙРОВИ

АБУЛҚОСИМ. Бу гапингизнинг тў-ричилигига «Далил ва шарҳ» керак. ИСКАНДАР. Далил топилишига «Гап йўқ». Чунки, «Шаҳар-бедар-воза эмас».

ЖАЛОЛИДДИН. Агар Искандар бош қийимини ечса, одамлар «Ҳайрат» би-лан «Тўғи ёғдуни» кўрадилар.

УБАЙДУЛЛА. Абулқосим ака, қо-шингизга ўсма, кўзингизга сўрма, юзингизга ула ва лабингизга қизил суртсангиз, «Мафтункор чехра-лар» бўласиз.

АБУЛҚОСИМ. Менинг қимлигим-ни «Муқийқ дақиқалар»да ҳам билмасангиз, бирорта «Даракчи» топинг.

ЖАЛОЛИДДИН. Абулқосим акам-

нинг қимлигини билиш учун ёнла-рига бир туя етаклаб келсангиз, «Эгизаклар» бўлади.

АБУЛҚОСИМ. Сизнинг «Ахбо-рот»ингиздан кейин утқовингизни «Реклама» қиламан.

ИСКАНДАР. Жалолиддин, яқинда «Булбулча» дастасига бориб, «Бир-галикда қулайимиз» дебсиз.

ЖАЛОЛИДДИН. Искандар, сизни-нг «Кундалик» ҳаётингиз «Ҳайво-нот олами»га бағишлангани учун, мушукчаларни етаклаб «Табиат ду-нёси»да ўтади. «Болаларга бах-шида умр» шу бўлса керак.

УБАЙДУЛЛА. Жалолиддин, нега бундай гапларни гапирасиз де-сам, «Кругозор»ингиз тор экан.

АБУЛҚОСИМ. Жалолиддин, ҳо-зирги гапларингизнинг «Бари ҳа-зил» бўлмаса «Ишингиз барори-дан келсин».

ИСКАНДАР. Дўстлар, «Ўз-лик»имизни англаб, ҳар тонгда «Ас-салом, Ўзбекистон!» деяпмиз.

ЖАЛОЛИДДИН. Марказий хиё-бонда «Келин-кўёвлар»ни, кечга томон «Тошкент оқшомлари»ни томоша қилиб, «Тунингиз хайрли бўлсин!» деймиз.

УБАЙДУЛЛА. Мустақил юртимиз-да «Инсон — ҳаёт гултожи». Энди дўстлар «Назм ва наво» тинглаб, «Оламини асранг».

Оққа кўчирувчи:

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

ТИШ ОҒРИҒИ

Лўқиллаб кеча-кундуз, жоним

олди тишларим,

минг сўмлик дори кетди.

Даволатмоқ бўлгандим,

Жонимни битта учи тишдами, деб ўйладим,

Омбурни кўрганимда танам мадори кетди.

Авайладим уларни, лекин топмадим чора,

Олдириб аста-аста жағдаги бори кетди.

Тиш ҳам ўзи одамнинг кўрки, зийнати экан,

Тиши йўқ акангизнинг ёндаги ёри кетди.

Охир бўлмади дўстлар, темирдан тиш ясатдим,

Қиммат экан найлайин, ҳамёнда бори кетди.

Тегирмон энди яхши ишлагай кўрнадим,

Жағларим жойга тушиб, бироз хумоғи кетди.

«Тиши йўғида ёри ташлаб кетган», дейишар,

Шу тарафдан Аҳмадийнинг номусли-ори кетди.

МУПОҚОТ

Бир гап бўлиб кетиб ҳадик орадан,

Сўз бошладим кеча дўстим порадан...

— Иш битарин кўзласанг, агар, дедим, —

Бошқа йўлинг йўқдир ўшбу чорадан.

— Эски дўстимиз, кўз-кўзга доим тушгай,

Пора олма, мендайн бечорадан.

— Пул бор ерда дўстликка ўрин йўқдир.

Хафа бўлма, асли тадбиркородан.

— Рози бўлар эдим, лекин билиб қўй,

Сабоқ олмаганман, мен бу борадан.

— Кўкидан бўлмаса узатгин майли,

Зангори, сариғи ёки қорадан.

— Нафсинг ўпқон бўлиб қолибди, ошна,

Кўйсайди нафсингга биров зора дом.

ЎПКА ҚИШЛОҚ

(Эртақ асосида)

Бир чолнинг атрофини ўрашдилар миршаблар,

«Ўпка қишлоқ» қаерда деб

сўрашдилар миршаблар.

Чол-чи сўз сўзлаганда, дон-дона сўзларкан.

Гапида ҳазил-хузул бўлишини кўзларкан:

«Оғиздан бошланар йўл, билсангиз,

у бир ғордир.

Ҳозир сиз кекирдакда,

«Ўпка»га бироз бордир».

Яланғочлаб қилчичи, миршаб депти:

«Чопарман!

Айтмасанг ҳам барибир мен

қишлоқни топарман».

Чол дер: «Ўшбу ерларда,

сиз қолмасиз, кетасиз.

Чопмасдан аста-аста юрсангиз ҳам етасиз».

Хусан АҲМЕДОВ.

МУСАҲҲИҲ ЁН ДАФТАРИДАН

- Директор чақиб кетди (чиқиб).
- Товуқдан дарак йўқ (совуқдан).
- Мулкини овлади (тулкини).
- Пуллашдан олдин селитра солинади (гул-лашдан).
- Янги ҳайъат сийланди (сайланди).
- Таниш белги (тиниш).
- Балиқ бошидан асир (сасир).
- Бозорда туттуруғ йўқ экан... (тут уруғи).
- Дори-дармон нафс йўлига тушди (нафас).
- Кисса ишламай қолди (касса).

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

«ХОТИНИ ОЛДИГА ЎТСИН»

— Кирхонада қўйлагим-

ни алмаштириб қўйиш-

ганга ўхшайди, — деб

йўллакка кирган пайтда эри-

зорланди эр. — Ёқаси шу-

нақа торки, бўғилиб ке-

тяпман. Бу менинг қўйла-

гим эмас.

— Бўлмаган гапни га-

пирманг, — деди хотини.

— Қўйлақ сизники. Лекин

Наврўз



ШИФОХОНАДА ШОДИЁНА

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўлган каби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 1-клиник касалхонада ҳам Наврўз байрами кенг нишонланди.

Тантана асрлардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келётган ушбу маънавий меросимиз одатига кўра «Ёр-ёр» кўшиқлари, «Келин салом» театрлаштирилган томошаси, билимдонлик баҳслари, баҳор ҳақидаги ашулалар билан бошланди.

Касалхона бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Муродин Қодиров ва бошқа соғлиқни сақлаш посбонлари Наврўз айёми билан бир-бирларини қутлар эканлар, Оила йилида оилалар аъзолари ҳар томонлама баркамол бўлишларини таъминлаш, халқ саломатлигини муҳофаза қилиш нақадар муҳимлигини таъкидлаб, ўз касбларидан фахрланишларини билдирдилар.

Кечада таниқли хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров ва унинг шоғирди Ҳожиакбар Ҳамидов, «Ялла» вокал-чолгу дастаси ўз санъатларини намойиш этишди. Дастурхонга сумалак, кўк сомсалар, палов каби баҳорий ва миллий таомлар тортилди.

Мажид РАИМОВ.

СУРАТЛАРДА: Наврўз айёмидан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.



Алишер Навоий номидаги нафис санъат лицейида «Ассалом, Наврўзи олам» дея номланган катта байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов,

ЛИЦЕЙДА БАҲОР НАФАСИ

Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ҳамда Ҳамза театрининг бир гуруҳ актёрлари, шунингдек Буюк Британия, Жанубий Корея, АКШ, Австралия мамлакатларидан таширф буюрган меҳмонлар иштирок этишиб, шодиёна қатнашчиларини янгилашни, яшариш

Рабғузий, Фирдавсий ҳамда Алишер Навоий сингари улуг алломаларимиз сиймосининг саҳнада гавдалантирилиши меҳмонлар қалбини ҳаяжонга солди. Улар Наврўз нафаси билан бир қаторда шундай муътабар зотлар руҳи ҳам ўзларига ҳамроҳ бўлганлигидан ниҳоятда шод бўлишди.

Ирода АСИЛБЕКОВА.

Муштарий илтимоси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ VII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ
ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ БАҲСЛАРИ ТАҚВИМИ

БИРИНЧИ ДАВРА

Ҳурматли «Тошкент оқшом» таҳририяти! Мана, биз футбол ишқибозлари кутган дамлар ҳам келди. Миллий чемпионат Олий лига жамоалари ўз баҳсларини бошладилар. Биринчиликнинг уч тур уйинлари бўлиб ўтди.

Бизнинг илтимосимиз шуки, сеvimли «Оқшом» сахифаларида олий лига жамоалари баҳсларининг биринчи даврадаги ўйинлар тақвими берилса. Ҳурмат билан: Эргаш Норкулов, талаба.



Тўртинчи тур

4 апрель

25. «Пахтакор» — «Андижон»
26. «Нефчи» — «Темирийўли»
27. «Дўстлик» — «Сўғдиёна»
28. «Насаф» — «Сурхон»
29. «Навбахор» — «Металлург»

5 апрель

30. «Трактор» — «Бухоро»
31. «Косонсой» — «Зарафшон»
32. МХСК — «Хоразм»

Бешинчи тур

12 апрель

33. «Зарафшон» — «Пахтакор»
34. «Металлург» — «Косонсой»
35. «Хоразм» — «Навбахор»
36. «Сурхон» — МХСК
37. «Сўғдиёна» — «Насаф»
38. «Бухоро» — «Дўстлик»
39. «Темирийўли» — «Трактор»
40. «Андижон» — «Нефчи»

Олтинчи тур

18 апрель

41. «Пахтакор» — «Нефчи»
42. «Дўстлик» — «Темирийўли»
43. «Насаф» — «Бухоро»
44. «Навбахор» — «Сурхон»
45. «Зарафшон» — «Металлург»

19 апрель

46. «Трактор» — «Андижон»
47. «Косонсой» — «Хоразм»
48. МХСК — «Сўғдиёна»

Еттинчи тур

26 апрель

49. «Металлург» — «Пахтакор»
50. «Хоразм» — «Зарафшон»
51. «Сурхон» — «Косонсой»
52. «Сўғдиёна» — «Навбахор»
53. «Бухоро» — МХСК
54. «Темирийўли» — «Насаф»
55. «Андижон» — «Дўстлик»
56. «Нефчи» — «Трактор»

Саккизинчи тур

2 май

57. МХСК — «Темирийўли»
58. «Дўстлик» — «Нефчи»
59. «Косонсой» — «Сўғдиёна»
60. «Зарафшон» — «Сурхон»
61. «Металлург» — «Хоразм»
62. «Насаф» — «Андижон»

3 май

63. «Пахтакор» — «Трактор»
64. «Навбахор» — «Бухоро»

Тўққизинчи тур

9 май

65. «Хоразм» — «Пахтакор»
66. «Сурхон» — «Металлург»
67. «Сўғдиёна» — «Зарафшон»
68. «Бухоро» — «Косонсой»
69. «Темирийўли» — «Навбахор»
70. «Андижон» — МХСК
71. «Нефчи» — «Насаф»
72. «Трактор» — «Дўстлик»

73. «Пахтакор» — «Дўстлик»
74. «Насаф» — «Трактор»
75. «Косонсой» — «Темирийўли»
76. «Зарафшон» — «Бухоро»
77. «Металлург» — «Сўғдиёна»
78. «Хоразм» — «Сурхон»

18 май

79. МХСК — «Нефчи»
80. «Навбахор» — «Андижон»

Ҳин биринчи тур

24 май

81. «Сурхон» — «Пахтакор»
82. «Сўғдиёна» — «Хоразм»
83. «Бухоро» — «Металлург»
84. «Темирийўли» — «Зарафшон»
85. «Андижон» — «Косонсой»
86. «Нефчи» — «Навбахор»
87. «Трактор» — МХСК
88. «Дўстлик» — «Насаф»

Ҳин иккинчи тур

29 май

89. «Пахтакор» — «Насаф»
90. «Навбахор» — «Трактор»
91. МХСК — «Дўстлик»
92. «Косонсой» — «Нефчи»
93. «Зарафшон» — «Андижон»
94. «Металлург» — «Темирийўли»
95. «Хоразм» — «Бухоро»
96. «Сурхон» — «Сўғдиёна»

Ҳин учинчи тур

8 июнь

97. «Сўғдиёна» — «Пахтакор»
98. «Бухоро» — «Сурхон»
99. «Темирийўли» — «Хоразм»
100. «Андижон» — «Металлург»
101. «Нефчи» — «Зарафшон»



102. «Трактор» — «Косонсой»
103. «Дўстлик» — «Навбахор»
104. «Насаф» — МХСК

Ҳин тўртинчи тур

13 июнь

105. «Пахтакор» — МХСК
106. «Навбахор» — «Насаф»
107. «Зарафшон» — «Трактор»
108. «Металлург» — «Нефчи»
109. «Хоразм» — «Андижон»
110. «Сурхон» — «Темирийўли»
111. «Сўғдиёна» — Бухоро»
112. «Косонсой» — «Дўстлик»

Ҳин бешинчи тур

21 июнь

113. «Бухоро» — «Пахтакор»
114. «Темирийўли» — «Сўғдиёна»
115. «Андижон» — «Сурхон»
116. «Нефчи» — «Хоразм»
117. «Трактор» — «Металлург»
118. «Дўстлик» — «Зарафшон»
119. «Насаф» — «Косонсой»
120. МХСК — «Навбахор»

Бу воқеага кўп бўлмаган. Биз бог-роғли ховлида яшардик. Ховлимиз этагида эса қариндошларимиз туришарди. Қариндошимиз дейишимнинг боиси, орадан икки-уч авлод ўтиб кетган бўлса ҳам, улар билан мол-жонимиз бир эди. Ота-буваларимиз бирга кўчиб, бирга кўниб, жуда ахил яшаган экан. Бу одатни муқаллас билиб биз ҳам орага совуқлик туширмай, апок-чапок бўлиб келардик.

Уша қариндошимизнинг тўрт қизу, бир ўғли бўларди. Энг кенжаси ўғил бўлиб унинг эркалиги бутун қишлоғимизга дoston бўлган. Орадан йиллар ўтиб қариндошимизнинг қизлари тўрт тарафга тарқаб кетди. Ўзларидан тиниб-тинчиган, туپ кўйиб, палак ёзган. Ҳаммаси ҳам хавас қилса бўларди ҳаёт кучоғида яйради.

Бир гал қишлоғимизга борганимда доимидек қариндошимизни йўқладим. Муштирапар она сочлари қордек. Ўзини анчайин олдириб кўйган, мадорсиз.

— Ҳа, Хушдиёр, келдингми болам, соғ-саломат юрибсанми? — деди-ю гўё мен саволга тутгандек ўзи сўз бошлади. — Қандай азов, қандай надоматларга қолдим. Эл-юрт олдида гуноҳкор ҳис этаман ўзимни...

Онанинг икки қизи гаплашмай бутунлай юз кўрмас бўлиб кетганлиги тўғрисида маҳалладагилардан эшитиб, анчайин изтиробга тушгандим.

Муносабат

ТААССУФ

Шу зayлда қариндошимиз руҳан азов тортиб бир неча йил яшади. Аммо унга бу дунёдаги сўнгги умиди — қизларининг гаплашганини қуриш насиб бўлмади. Онанинг сўнгги илтиҳоти сўзлари ҳамон менга тинчлик бермас, унинг тошмехр қизларига бирор сўз айтмоққа ўзимда мажбурият ҳис этавердим.

Кўнгилда адосиз таассуф туйғуси. Наҳот бир қориндан талашиб тушганлар гаплашмасалар, юз кўрмас бўлсалар?! Тирикларни ўқитиш шунчаки ҳолат. Руҳлар изтиробидан эса кўрқмаймиз. Агар шундай бўлмаганида оналарнинг боқий дунёдаги руҳи ором учун арзимаган бир галдан қолиш учун ўзимизда куч толган бўлардик.

Ахир муштирапар она бу ёруғ оламда нима рўшнолик кўрди? Она сўнгги нафасига: «Қизларим, кўзимнинг очигида гаплашинлар, бир кўрай сизларни, жон болаларим» дея илтиҳотлар қилмадимки? Сизлар пинагингизни ҳам бузмадингиз. Она кўнгли кўз ўнгимизда чил-чил синди. Сизлар эса гапдан қолмадингиз. Бугун эса бошқача одамсиз. Онапарвар, онага меҳрибонсиз. Гўё қор ёғди излар босилди, ўтмиш унут бўлди. Энди кун ора қабр бошига борасиз, дод-вой қиласиз. Тупроқни сийлаб-сийлайсиз. Йўқ, бу ҳаракатлар юрак-юракдан эмаслиги ўзингизга ҳам аён. Ҳаммаси шунчаки эл кўзига, холос. Она руҳини шод қилмоқ истасанг сўнгги умидини бажар. Шунда она руҳи осуда, сенинг юрагинг хотир-жам...

Аёлидан ортда қолиб, кўзлари хира тортиб қолган отанинг бу ёруғ оламдаги сўнгги орузи ҳам қизларини яраштириш. Ўз фарзандларига ўлина-ялина чарчаган, сўзлари хасдек оёқ ости бўлган ота фарёдини қиларга айтсин.

Одамзот ҳаётдан яхши маълумки, ота-она дилига озор берган бола ҳеч маҳал камол топан эмас. Ҳазрати Алишер Навоийнинг мана бу сўзлари фикримиз дадилли эмасми? «Пайгамбар... буюрубтурким, тангри таоло ризоси ота ризосига вобастадур. Бас, киши ота ризосини ҳосил қилса, тангри таоло ризосини ҳам ҳосил қилиши бўлмай ва ота газабига учраса тангри таоло газабига учрамай бўлмай. Мундоқ бўлгандан сўнгра киши неҳук ота ризосидан айру дам урғай ё қадам кўнғай. Ва машойиҳ сўзидирким: «Отанг — парвардигорингдур, бу жиҳатдинким, тангри таоло сени йўқдин бор қилмоққа васила улдур ва туфўлийатдин шабоб синингача парвариш берғувчи ул».

Хулоса шуки, опа-сингил, ака-укаларнинг аразлашишлари сарвари қонинг ҳукмида қанчалик оғир гуноҳ бўлса ота-онага нисбатан шунчалик беҳурматлиқдир. Яна ойдинроқ айтас қизларнинг уришлари ота-онага отилган тош демек.

Муҳаммаджон АҲМЕДОВ.

«О1»

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТЛАРИ

Шаҳримизда ёнғинларнинг кўпчилиги ёш болаларнинг олов ўйнашлари, газли ва электр иситиш асбобларидан фойдаланишда, сигарета чекишда олдий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатларида содир бўлмоқда. Куйидаги мисоллар фикримизга далил бўлади.

● 1 январь куни Чилонзор тумани, Ҳ. Қодирий 1-бек кўчаси, 1-уйда ёнғин содир бўлди. Ёш болаларнинг олов ўйнашлари оқибатида шу уйнинг 100 квадрат метр юзюда томи ва уй жиҳозлари ёнди.

Яна шу куни Чилонзор туманида жойлашган 203-мактаб ҳудудида ҳам ёш болаларнинг олов ўйнашлари оқибатида ёнғин содир бўлиб, шу мактаб ҳудудидаги 10 дон аўтоуловнинг эски гилдираклари ёнган.

Шу куни Яқсарой тумани, А. Қаҳқор кўчаси, 22-уй олдидики электр симларининг қисқа туташуви оқибатида 11-қурилиш бошқармасига қарашли қурилиш уйчасининг 15 квадрат метр юзюда ёғоч қопламаси ёнган.

● 2 январь куни Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 255-уйда газ печининг носозлигидан ёнғин чиқиб, натижада 60 квадрат метр юзюда томининг ёғоч қисмлари ва уй жиҳозлари ёнган.

Шу куни Акмал Икромов тумани, Чилонзор-21 даҳаси, 15-уйда содир бўлган ёнғин уй эгасининг маълум ҳолда сигарета чекишда эҳтиётсизлиги оқибати туфайли рўй берди.

Натижада уй эгаси ҳалок бўлган.

● 5 январь куни Шайхонтоҳур тумани, С. Исмаилов кўчаси, 17-уйда телевизорни-

нг носозлиги оқибатида шу уйнинг 150 квадрат метр томи, уй жиҳозлари ва қўшни 15-уйнинг 70 квадрат метр юзюда томи ёнган.

● 6 январь куни Сирғали тумани, Йўлдош М-3 даҳасида жойлашган «Антика» хусусий қорхонаси қаҳвахонасида электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин чиқиб, 40 квадрат метр юзюда қаҳвахона томи ёнган.

● 7 январь куни Юнусов тумани, Бозорбоев кўчаси, 20-уйда кўмирли иситиш печининг носозлигидан ёнғин чиқиб, оқибатида шу уйнинг 100 квадрат метр томи ва уй жиҳозлари ёнган.

● 8 январь куни Сирғали тумани, Сирғали-5 даҳаси, 107-уй, 43-хонадонда ёш болаларнинг гурут ўйнашлари оқибатида ёнғин содир бўлиб, тутундан захарланган 4 ёшли Абдусайд ва қисман оғиб қўйган 1 ёшли Абдувоҳидларга касалхонада биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди.

● 12 январь куни Мирзо Улугбек тумани, Садаф кўчаси, 19-уйда электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин содир бўлиб, шу уйнинг 60 квадрат метр томи ёнган.

Тулаган АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар Ёнгиндан сақлаш бошқармаси ходими.

«АПИФБЕ» МУАЛЛИФИНИ ЭСПАБ

Акмал Икромов туманидаги Оқилхон Шарафиддинов номи 129-мактабда «Алифбе» китобининг муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Меҳнат қаҳрамони Оқилхон Шарафиддинов таваллудининг 100 йиллиги ва Наврўз байрамга бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим илмий маркази, Қори Ниёзий номи Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтидан вакиллар, моҳир педагогининг шоғирдлари, уни яқиндан билганлар устоз ҳақида, унинг ҳаёт йўли ҳақида илиқ гапларни гапирдилар.

— Устоз Оқилхон Шарафиддиновни ҳозирги замон ўзбек педагогикасига пойдевор қўйган инсон десак хато бўлмайди, — дейди Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлимининг мудир Шукрулло Икромов. — Устоз муаллим ёзган «Алифбе» китобининг ўзи 29 марта қайта нашр қилингани ҳам бунга далилдир. Бугунги кунда у кишининг шоғирдлари республикамиздаги етакчи таълим-тарбия масканларида меҳнат қилишмоқда. Улар ёрдами билан Оқилхон Шарафиддиновнинг ҳаёти ва илмий фаолиятиндан ҳикоя қилувчи видеофильм ҳамда «Ранж ва ганж» номи китоб тайёрланди.

Тантанали кеча давомида мактаб ўқитувчиларидан бир гуруҳи намунали меҳнатлари учун «Оқилхон Шарафиддинов» кўрак нишонини ҳамда фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Кеча Наврўз байрамга муштарак равишда ўтди.

Мурод РИХСИЕВ.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ

АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИ!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан

1998 йилнинг 2 апрелидан 17 апрелигача Юнусов даҳасининг 13-мавзесидан 1, 2, 14, 21-уйларда истикомат қилувчи абонентларда вақтинчалик алоқа бўлмайди.

Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmoqi» хиссадорлик жамияти

Очик турдаги «Миробод бозори» АЖнинг қолдирилган 1998 йил 11 мартдаги акционерлар йиғилиши 1998 йил 25 апрелда ўтказилади.

«МИРОБОД БОЗОРИ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИ!

«Миробод бозори» акционерлик жамияти 1998 йил 25 апрель соат 10 да туман ҳокимлигининг мажлислар залида жамият аъзоларининг умумий мажлисини ўтказди.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Миробод бозори» акционерлик жамиятининг 1997 йил иш якуни ҳақида, 1998 йил иш режаларини тасдиқлаш.
2. Тафтиш комиссияси ва аудиторлик текшируви якунларини тасдиқлаш ҳақида.
3. Бошқарув ҳайъати, қузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоллигига сайлов.
4. Жамият низомига қўшимча ўзгартириш киритиш.
5. Бошқа масалалар.

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ
1998 ЙИЛ 1 ЯНВАРГА

	Актив	Пассив
Қолдиқ қўймат	853438.0	
Капитал қўйилмалар	6143.0	
Ишлаб чиқариш заҳиралари	315.0	
Пул маблағлари	2171.1	
Бошқа дебиторлар	6501.0	
Устав капитал		26632.0
Резерв капитал		793104.0
Тақсимланмаган фойда		1158.0
Бошқа кредиторлар		49264.0
ЖАМИ:	870158.0	870158.0

ҚУРМАН
ТЕКТОНАЛ
ВА ЎЗБЕКИСТОН
АҚОЛИСИ

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қўнлар, туялар, ёбиллар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида бритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон:

133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

МАНИЛИМИЗ:

МАТЕУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,

32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204,

208-ХОНАЛАР.

«Тошкент оқшом» газетаси жамоаси газетанинг бўлим мудир Темура Убайдуллоевга ақ